



20 20 у. « 30 » сентябрь

№ Қ-491

« » 20 г.

**Термиз тумани “Сурхон Намуна”
массиви “Шарқ” маҳалласи
худудидан “ZUXRIDDIN NAMUNA”
фермер хўжалигига иссиқхона
қуриш учун руҳсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/531-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 15 июлдаги 01-08/289-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 августдаги 05-02/531-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Шарқ” маҳалласи худудидан “ZUXRIDDIN NAMUNA” фермер хўжалигига ижарага берилган ер майдонидан қишлоқ хўжалик харитасининг 577-дала контуридаги тупроқ унумдорлиги 47,2 балл бонитетли жами 1,50 гектар шундан 1,4 гектар суғориладиган экин ер, 0,1 гектар ариқ ва зовур билан банд бўлган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона биноси”ни қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан руҳсат берилсин.

3. “ZUXRIDDIN NAMUNA” фермер хўжалиги бошлиғи А.Раҳмонжоновга:

руҳсат этилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг рас мий веб-сайтида(surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Туропов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов